

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТОШПУЛАТОВ ДАВРОН АКРОМОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА**  
**АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/1qt736 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Умаров Зафар Абсаматович  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** Пардаев Мамаюнус Каршибаевич  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Абдуганур Каримович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «19» 02 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (124 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 01 куни тарқатилди.  
(2021 йил «28» 01 даги 7 - рақамли реестр баённомаси.)



[Signature]  
Т.З.Тешабаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Signature]  
Н.Н.Каландарова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўлими фалсафа доктори (PhD)

[Signature]  
Н.Н.Кўзиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда молиявий тизим маълум бир вақтда инқирозга дуч келиш ҳолатлари кузатилмоқда. Аммо, «ҳатто инқироз бўлмаган тақдирда ҳам, сўнгги 20 йил ичида кредитларнинг фавқулодда ўсиши, ишламайдиган кредитларнинг (non-performing loans (NPLs)) кўпайишига олиб келди. Бу иқтисодий хавф остига қўйиши мумкин. Муаммо ҳал этилмаса, муаммоли активлар ўсиши, ҳатто критик даражаларга етиб бориши мумкин, ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтириши ва ишсизликни кучайтириши мумкин»<sup>1</sup>. Жаҳон банки маълумотларига кўра «муаммоли активлар 2019 йилда Россия Федерациясида 9,3 фоиз, АҚШ да 0,9 фоиз, Туркияда 5 фоиз, Буюк Британияда 1,1 фоиз, Германияда 1,3 фоиз, Хитойда 1,9 фоиз, Қозоғистонда 9,5 фоиз, Украинада 48,4 фоизни ташкил этмоқда»<sup>2</sup>. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики дунёда бугунги кунда банк тизимида муаммоли активларни ҳисобга олиш ва уни аудити алоҳида аҳамият касб этади ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида муаммоли активларнинг юзага келишини аниқлаш, уни ҳисобга олиш, келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уни бартараф этиш йўллари топиш, улар тўғрисида бошқарувга, инвесторларга маълумот беришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари(МҲХС)да киритилаётган ўзгаришлар, жумладан 2018 йилда муаммоли активлар ҳисобини тартибга солувчи МҲХС 9 – Молиявий воситалар стандартининг жорий қилиниши, муаммоли активлар ҳисоби ва аудити билан боғлиқ илмий тадқиқотларни янги ёндашувларда олиб боришни талаб қилади. Шу билан бирга тижорат банкларида муаммоли активлар билан ишлаш усуллариининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу муаммога концептуал ёндашувларни, шунингдек, тижорат банкларида муаммоли активларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириши, амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини аудиторлик текширувларига бағишланган илмий ишларни олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида «кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш»<sup>3</sup>

<sup>1</sup> DARP—Creating Distressed Assets Markets International Finance Corporation. First printing, June 2019. Second printing of updated edition, October 2019. Washington. [www.ifc.org](http://www.ifc.org)

<sup>2</sup><https://data.worldbank.org/indicator/FB.AST.NPER.ZS>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармони

белгиланганлиги банк активлари сифатини яхшилаш зарурлигини белгилайди. Шунингдек, «банклар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритиш, 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши»<sup>4</sup> лозимлиги банк операцияларини, активлари, жумладан, муаммоли активларни МҲХСлари асосида ҳисобга олишни талаб қилади. Пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларда молиявий қийинчиликларнинг юзага келиши муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши йил бошига нисбатан 0,9 фоизга ошиб, 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига 2,4 фоизни ташкил қилмоқда. Ушбу ҳолатлар муаммоли активлар тўғрисида тезкор, ишончли маълумотларни тақдим этиш учун уларни МҲХСлари асосида ҳисобга олиш, аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида текшириш юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммоли активларни пайдо бўлиши, унинг иқтисодиётга, банкнинг молиявий ҳолатига таъсирини, уни камайтириш, уларни ҳисоби ва аудитини ўрганиш ҳар доим олимларнинг диққат марказида бўлган. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Ч.Константин, Г.Рутх, К.Аллан, Л.Росанна, Д.Реддй, Г.Лобо, С.Гловер, Ж.Жиамбалво, Ж.Жоллинеау, П.Ҳойҳорук, Л.Приступа, О.Абесинова, Н.Мелник, В.Мунтеануа, Д.Заҳариаб, П.Озили, П.Сиарка, Б.Скариса,

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори, 2020 йил 24 февраль

А.Блоем, Р.Фреман, Я.Янг, И.Иригой, Л.Дудинец, П.Роуз, Н.Тимофеев<sup>5</sup>лар ва бошқалар тадқиқот олиб борган.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш, юритиш, жумладан муаммоли активлар ҳисоби ва аудитида мавжуд муаммолар, уларни ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар маҳаллий олимлар Д.Абдиқаримова, Ё.Абдуллаев, Т.Каралиев, Ш.Тошмуродов, С.Абдуллаева, Ш.Абдуллаева, Ш.Азизов, Р.Дўсмуратов, Ш.Файзиев, И.Кўзиев, Ш.Илҳамов, А.Ибрагимов, Н.Идиев, И.Муругова, Н.Каримов, Н.Идиев, Ҳ.Отамуродов, А.Омонов, У.Сахобов, У.Тухтабаев, З.Умаров, Н.Ризаев, М.Марпатов, И.Чориев<sup>6</sup> ва бошқалар томонидан олиб борилган.

---

<sup>5</sup>Christofides Constantine, Gleeson Ruth, Kearns Allan and Lynch Rosanna Framework for enhanced modelling of collateralised lending//Procedia Economics and Finance 29, 2015. 183 – 194 [www.elsevier.com/locate/procedia](http://www.elsevier.com/locate/procedia); Devaraja CA. M. Reddy Guidance Note on Audit of Banks Sahitya Bhawan Publications, Hospital Road, Agra February/2017/ 674 p.; Gerald J. Lobo Accounting research in banking – A review // China Journal of Accounting Research 10, 2017, 1–7 [www.elsevier.com/locate/cjar](http://www.elsevier.com/locate/cjar); Glover, Steven &Jiambalvo, James &Jollineau, Jane. Analytical Procedures and Audit-Planning Decisions. Auditing-a Journal of Practice & Theory - AUDITING-J PRACT THEOR. 19. 27-45. 10.2308/aud.2000.19.2.27.; Hryhoruk P., Prystupa L., Abesinova O., Melnyk N. Organization of Analytical Procedures at the Audit of Continuity of The Enterprise Activity. Academy of Accounting and Financial Studies Journal 2019 Vol: 23 Issue: 2.; Munteanua, V., Zahariab, D. L. «Current Trends in Internal Audit» Procedia - Social and Behavioral Sciences, 116, 2014, 2239 – 2242.; Ozili, P. K. «Non-Performing Loans and Financial Development: New Evidence», Journal of Risk Finance, February 2019, 1-35.; PawelSiarka Vintage analysis as a basic tool for monitoring credit risk Mathematical Economics No. 7(14) 2011.; Skarica, B. «Determinants of Non-Performing Loans in Central and Eastern European Countries», Financial Theory and Practice, Vol 38 No.1, 2014, 37-59.; The Treatment of Nonperforming loans. International Monetary Fund. Prepared by Adriaan M. Bloem and Russel Freeman. Issue Paper Prepared for the July 2005. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/bop/2005/05-29.pdf>. Issue Paper, 1-15.; Yang Yang. Does high-quality auditing decrease the use of collateral? Analysis from the perspective of lenders' self-protection // China Journal of Accounting Research 7, 2014, 203–221 [www.elsevier.com/locate/cjar](http://www.elsevier.com/locate/cjar); Yrigoy, I. «Transforming non-performing loans into re-performing loans: Hotel assets as a post-crisis rentier frontier in Spain» Geoforum, 97, 2018, 169–176.; ДудинецЛ.А. Теоретические подходы к определению сущности проблемных активов банка. Экономика и банки, (2), 28-35. <http://ojs.polessu.by/EV/article/view/398>; Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997, 192-б.; Тимофеев Н.А. Математическая модель винтажного анализа кредитного портфеля банка Вестник Уральского государственного университета путей сообщения № 1(9) март 2011

<sup>6</sup> Абдиқаримова Д.Р. «Банк кредитлари гаров таъминоти баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» PhD илмий даражаси олиш учун ёзган дисс. автореферати. –Т.: 2018, 61 бет.; Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма-Т.: «Iqtisod-moliya», 2009 йил, 548 бет.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. 304 б.; 3.35. Азизов Ш.У. Ташқи аудит текширувини ўтказишда ўтказишни ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалалари. и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзган дисс. автореферати. –Т.: 2009. – 22 б. Audit. O'quv qo'llanma. I qism. / Do'smurov R., Fayziev Sh., Qo'ziev I., Po'latov G'. -Т.: ТМИ, 2007. 139 бет.; Ihamov Sh.I. Amaliy audit. Darslik. -Т.: Iqtisodiyot, 2011. - 365 б.; Ибрагимов, А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2013. - 400 б.; Каралиев Т.М., Файзуллаева М.М. Банковский аудит. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2012. 89 с.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражаси олиш учун ёзган дисс. автореферати – Т.: 2007. - 42 б., Идиев Н.Ф. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзган дисс. автореферати – Т.: 2011. - 26 б., Бухгалтерский учёт в банках. Учебник / Умаров З.А., Муругова И.А., Бабаева Г.Я. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2019 г. - 560 с.; Otamurodov H.H. «Current basis of management of the bank credit portfolio in Uzbekistan» International Journal of Economics, Commerce and Management, Vol. VI, Issue 12, 2018, 169-179.; Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Омонов А.А., Қоралиев Т.М. – Т.: «Иқтисод-молия», 2014 й. 295 б.; Сахобов У.О. Совершенствование процесса выборки при банковском аудите кредитной деятельности. Автореферат дисс. на соискание к.э.н. – Т.: 2007. -22 с., Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: 2008. – 24 б.; Banklarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari: Darslik / Z.A.Umarov, A.K.Ibragimov, N.K.Rizaev, M.D.Marpatov – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019 – 516 б.; Choriev I.H. From The Analytical Procedure At The Initial Stage Of The Audit Use Issues International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 8s, 2020, pp. 06-10

Ушбу тадқиқотларда тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисоби ва аудити комплекс тадқиқ этилмаган. Шу билан бирга банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудити соҳасида бўлаётган ўзгаришлар мазкур мавзуда тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

банкларда муаммоли активлар борасидаги назарий ёндашувларни, уларнинг юзага келиш сабаблари тадқиқ қилиш;

тижорат банкларида муаммоли активлар бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг назарий-услубий асослари ҳамда амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

банкларда муаммоли активлар ҳисоби ва ички аудитини ташкил қилиш, уларни такомиллаштиришда долзарб муаммоларни аниқлаш;

тижорат банкларида муаммоли активларни камайтириш жараёнини трансформация қилиш, ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича халқаро амалиётини ўрганиш, уни банкларда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда тижорат банкларининг муаммоли активлари ҳисоби ва аудити олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“мулк” модули таҳлилий (аналитик) ҳисобини киритиш асосида муаммоли кредит ва лизингни ундириш учун банк балансига қабул қилинган мол-мулкни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ҳисоби такомиллаштирилган;

муаммоли кредитларни суд жараёнига қадар, судда ва суддан ташқари ундириш босқичларини ташкил этиш орқали ҳисобини юритиш ҳамда ахборот шаффофлигини ошириш асосланган;

кредит rischi даражаси ошишига қараб босқичларга ажратиш ҳамда дефолтнинг юзага келиш эҳтимолини аниқлаш орқали активларнинг эҳтимолий йўқотишлари учун яратилиши лозим бўлган захираларни ҳисобот даврида коррективировка қилиб бориш таклиф этилган;

муаммоли кредит операциялари бўйича йўқотишлар аудитида экстраполяция қилиш усулидан фойдаланиш таклиф этилган;

кутилаётган кредит йўқотишларини аниқлашда винтаж таҳлилини қўллаш асосида муаммоли кредитлар аудити такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

банкларда муаммоли активлар билан ишлаш ва ҳисобини юритиш бўйича тартиб ишлаб чиқилган;

банкларда муаммоли активлар билан ишлайдиган алоҳида (мустақил) бўлинма, филиалларда эса унинг таркибий бўлимларини ташкил этиш таклиф этилган;

қайтариш rischi юқори бўлган активларнинг муаммога айланишини олдини олиш мақсадида олдиндан соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

муаммоли кредит юзага келганда хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва ташкилий–услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан тижорат банкларида муаммоли активларни ҳисобга олиш, аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослашда, муаммоли актив кўрсаткичларини шакллантиришда, уларни ҳисоботда ишончли акс эттиришда, бошқарув маълумотларини шакллантиришда муаммоли активлар ҳисоби ва аудитини ўтказишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“мулк” модули таҳлилий (аналитик) ҳисобини киритиш асосида муаммоли кредит ва лизингни ундириш учун банк балансига қабул қилинган мол-мулкни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ҳисоби бўйича таклифи Ўзсаноатқурилишбанк АТБ ва Микрокредитбанк АТБларнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг 2020 йил 8 майдаги 01-07/2139-сон, Микрокредитбанк АТБнинг 2020 йил 3 июндаги 10-29/5972-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши

натижасида банкларда 2018-2020 йилларда (устама ҳақ эвазига) бўлиб тўлаш шарти асосида сотилган 42,8 млрд, сўм, ҳамда 9,9 млрд, сўм мол-мулклар ҳисоби дастурий таъминотда алоҳида юритилиши таъминланган;

муаммоли кредитларни суд жараёнига қадар, судда ва суддан ташқари ундириш босқичларини ташкил этиш орқали ҳисобини юритиш ҳамда ахборот шаффофлигини ошириш таклифи Ўзсаноатқурилишбанк АТБ, Микрокредитбанк АТБ, Агробанк АТБларнинг кредит сиёсатида ўз аксини топган (Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг 2020 йил 8 майдаги 01-07/2139-сон, Микрокредитбанк АТБнинг 2020 йил 3 июндаги 10-29/5972-сон, Агробанк АТБнинг 2020 йил 21 майдаги 11-2-17/532-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши натижасида банкларнинг барча қарздор мижозларига СМС хабар юбориш йўлга қўйилган, Бош банкнинг мулоқот марказида қарздорликни сўндириш бўлими ташкил этилган ҳамда Ўзсаноатқурилишбанк АТБда 2019 йилда 49,1 млрд. сўм суд жараёнидаги кредитларнинг сўндирилиши таъминланган;

кредит rischi даражаси ошишига қараб босқичларга ажратиш ҳамда дефолтнинг юзага келиш эҳтимолини аниқлаш орқали активларнинг эҳтимолий йўқотишлари учун яратилиши лозим бўлган захираларни ҳисобот даврида коррективроқ қилиб бориш бўйича таклифи Ўзсаноатқурилишбанк АТБ, Микрокредитбанк АТБ, Агробанк АТБ ва АТ Алоқабанкларнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг 2020 йил 8 майдаги 01-07/2139-сон, Микрокредитбанк АТБнинг 2020 йил 3 июндаги 10-29/5972-сон, Агробанк АТБнинг 2020 йил 21 майдаги 11-2-17/532-сон, АТ Алоқабанкнинг 2020 йил 20 майдаги 19-09/1743-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши натижасида банкларда ҳисобот даврида кутилаётган кредит йўқотишлари бўйича захираларни («ЕСЛ») МХХСлари асосида ҳисобланиши таъминланган;

муаммоли кредит операциялари бўйича йўқотишлар аудитида экстраполяция қилиш усулидан фойдаланиш таклифи Ўзсаноатқурилишбанк АТБ, Микрокредитбанк АТБ, Агробанк АТБ ва Алоқабанк АТБларда муаммоли активлар аудитини ўтказиш дастурида ўз аксини топган (Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг 2020 йил 8 майдаги 01-07/2139-сон, Микрокредитбанк АТБнинг 2020 йил 3 июндаги 10-29/5972-сон, Агробанк АТБнинг 2020 йил 21 майдаги 11-2-17/532-сон, Алоқабанк АТБнинг 2020 йил 20 майдаги 19-09/1743-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф жорий қилиниши аудиторларлик хулосаси сифатини оширишга ҳамда банкларда муаммоли активлар салмоғини камайтириш бўйича қарорлар қабул қилишга хизмат қилмоқда;

кутилаётган кредит йўқотишларини аниқлашда винтаж таҳлилинини қўллаш асосида муаммоли кредитлар аудити такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзсаноатқурилишбанк АТБда аудит жараёнида бир хил кредитлар сифатини текширишда, кредит портфели мониторингида кредит турлари, муддати, қарздорларнинг хатти-харакатларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг 2020 йил 8 майдаги 01-07/2139-сон маълумот-номаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши кредит



маҳсулотлари бўйича риски юқори бўлган аудит объектини олдиндан белгилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тижорат банкларида муаммоли активлар моҳияти, уларни ҳисобга олиш ва аудит қилишнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда банкларда муаммоли активлар моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари, муаммоли активлар бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, муаммоли активлар аудитининг ташкилий услубий масалалари тадқиқ этилган ва боб якунида тадқиқот юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

Тижорат банкларидаги муаммоли активлар билан ишлаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу муаммога концептуал ёндашувларни, шунингдек, тижорат банкларида муаммоли активларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга бағишланган илмий ишларнинг камлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг активлари 2019 йилда 272,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилларга нисбатан ўсиш тенденцияга эга бўлиб, 2015 йилга нисбатан 372,6 фоизга ошган. Активлар таркибида рискка тортилган активларнинг, ўз навбатида кредитларнинг салмоғи ҳам юқорилигини кўрсак бўлади, шу билан бирга активлар кўпайишига банк капиталининг юқори суръатларда ўсганлиги ҳам таъсир кўрсатган. Муаммоли кредитлар ҳам суммаси ўсиш тенденциясига эга, лекин берилган кредитларга нисбатан камроқ кўпайган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси банкларининг муаммоли кредитлари, активлари, кредитлари ва капитали тўғрисида маълумот<sup>7</sup> (трлн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	Ўзгариши (2019/2015)	
							трлн. сўм	% да
1	Активлар	57,7	84,1	166,6	214,4	272,7	+215	+372,6
2	Рискка тортилган активлар	47,0	57,4	106,5	155,0	223,0	+176	+374,5
3	Берилган кредитлар	39,7	52,6	110,6	167,4	211,6	+171,9	+433,0
4	Капитал	7,3	9,0	20,7	26,7	51,0	+43,7	+598,6
5	Муаммоли кредитлар	0,58	0,39	1,32	2,14	3,17	+2,59	+446,6

Банк активлари тўғрисида асосий маълумот оладиган банк молиявий ҳисоботларида активлар соф ҳолатда акс эттирилиши, ташқи фойдаланувчилар учун уларнинг сифати тўғрисида маълумотга эга бўлиш мушкул ҳисобланади. Активлар сифати ёмонлашганини бухгалтерия

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ҳисобининг ички фойдаланувчилари агар улар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилган бўлса билишлари мумкин. Активлар сифатининг ёмонлашуви унинг муаммоли активга ўтаётганлигидан далолат беради.

Хўш, муаммоли актив ўзи нима, у қандай пайдо бўлади? Мана шу саволларга жавоб излаб кўрсак.

Маҳаллий ва хорижий илмий ҳамда махсус адабиётларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларда муаммоли активлар кўпинча кредитлар билан боғланади, ҳамда «муаммоли актив», «муаммоли кредит», «ишламайдиган кредит», «ҳаракатсиз кредит» каби тушунчалар билан ифодланади.

Жумладан, Банк назорати бўйича Базель кўмитаси ишламайдиган кредитни (активни) (NPL) кредит бўйича мажбуриятлар бажарилмаётганда, яъни 90 кундан ортиқ тўловнинг кечикиши мавжуд ёки банк миқдорнинг кредитни тўламаслиги, тўлаш бўйича чоралар кўришни сўрамаслиги (секрютизация, қайта молиялаштириш, реструктуризация, тўловни кечиктириш ва ҳоказо) мумкинлигига асос бўлса; тўловчининг тўлов қобилияти пасайиши натижасида активнинг қадрсизланиши мавжудлиги; муддати ўтган кунлар сонидан қатъи назар, асосий қарзни ва унга тўланадиган фоизни тўлиқ тўлашнинг иложи йўқлиги тўғрисида далиллар мавжудлигида таснифлайди<sup>8</sup>.

Халқаро амалиётда муаммоли кредит ишламайдиган кредит тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Bloem, Freeman NPLs (Non-Performing Loans) ишламайдиган кредит бу асосий қарз ва / ёки фоизлар бўйича тўловларни 90 кун ёки ундан кўпроқ муддатга кечиктириш билан ёки 90 кун ёки ундан ортиқ кун фоизларга тенг тўловлар билан, капиталлаштирилган, қайта молиялаштирилган ёки келишув бўйича кечиктирилган кредитлар, ёки тўловлар муддати 90 кундан кўпроқ, шу билан бирга қарздор банкрот деб эълон қилиш бўйича ариза берган ҳолларга ўхшаш янада жиддий сабаблар мавжуд бўлган активлар<sup>9</sup>.

Ўзбекистонда ушбу ҳолатга яқин бўлган ҳолатни кўришимиз мумкин, яъни муаммоли активлар (кредитлар) «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз»<sup>10</sup> деб таснифланган активлар ҳисобланади.

Ушбу ҳолатлар муаммоли кредитлар тавсифи кредит бўйича асосий қарз ва фоизнинг ўз вақтида тўланмаганда, миқдор молиявий ҳолатининг ёмонлашгани, кредит шартларининг ўзгариши ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

У.Тухтабаев муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара

<sup>8</sup> Basel Committee on Banking Supervision (2016) «Guidelines Prudential treatment of problem assets – definitions of non-performing exposures and forbearance», 1-41.

<sup>9</sup> The Treatment of Nonperforming loans. International Monetary Fund. Prepared by Adriaan M. Bloem and Russel Freeman. Issue Paper Prepared for the July 2005. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/bop/2005/05-29.pdf>. Issue Paper, 1-15.

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» ги 2696-сонли низом. 2015 йил 14 июль

олмасликнинг оқибати бўлиб ҳисобланади<sup>11</sup>. Кредит рискени юзага чиқиши кредит ва унинг фоизи бўйича тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслигини келтириб чиқаради.

Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев ва бошқалар муаммоли кредитларни муддати ўтган, фойда келтирмаётган кредитлар<sup>12</sup> сифатида қарайди.

Ш.Абдуллаева банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар кўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкинлигини ва улар рискларни минимал даражадага етказишга тўсиқ бўлишини<sup>13</sup> қайд этади.

Л.Дудинец муаммоли банк активларини уларнинг қайтишига шубҳа туғдирадиган ёки уларни жойлаштириш ёхуд ишлатишдан иқтисодий фойда олмаслик эҳтимоли бўлган банк активлари<sup>14</sup> сифатида қарайди. Ушбу таърифда банк активлари турлари ҳисобга олинган ҳолда муаммоли активларга берилган таъриф сифатида қараш мумкин.

Олимларнинг асарларида ва меъёрий ҳужжатларда «муаммоли актив», «муаммоли кредит», «ишламайдиган кредит», «ҳаракатсиз кредит» каби тушунчалар турли ҳил ёндашувларда кўриб чиқилганлини кўришимиз мумкин.

Фикримизча, банк муаммоли активларига қуйидаги ёндашувни киритса мақсадга мувофиқ бўлади: муаммоли актив - бу банк жойлаштирган ресурсларнинг бир қисмини қайтмаслиги ёки банк ихтиёридан чиқиб кетиши, ҳисобланган даромадларни ололмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар (зарарлар) риски бўлган банкнинг активлари ва молиявий мажбуриятлари.

Ушбу таърифда банкнинг балансдан ташқари мажбуриятлари ҳам ҳисобга олинди, чунки уларни банк маблағларини тақсимлаш шаклларида бири сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бундан ташқари, ушбу таъриф банк ресурсларини қайтармаслик ёки уларни тасарруф этиш рискига асосланган, чунки бу банк зарар кўриши билан боғлиқ. Шу билан бирга муаммоли актив турлари ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ҳам ҳисобга олинган деб айтиш мумкин.

Яна шуни қайд этиб ўтиш керакки, муаммоли актив бу фақат муаммоли ёки ишламайдиган кредит эмас, улар муаммоли кредитга нисбатан кенгроқ тушунча. Сабаби муаммоли актив сифатида қуйидагиларни ҳам таснифлаш мумкин: муаммоли кредит; муаммоли лизинг; муаммоли факторинг; муаммоли дебиторлик қарздорлик; муаммоли инвестициялар; муаммоли сотиб олинган қимматли қоғозлар; бошқа банклардаги муаммоли маблағлар;

---

<sup>11</sup>Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. Автореферати. – Т.: 2008. – 24 б.

<sup>12</sup>Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С.Банк иши. Ўқув қўлланма-Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009 йил, 548 бет.

<sup>13</sup>Ш.З.Абдуллаева. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. 304 б.

<sup>14</sup>Дудинец Л.А. Теоретические подходы к определению сущности проблемных активов банка. Экономика и банки, (2), 28-35. <http://ojs.polessu.by/EB/article/view/398>

муаммоли балансдан ташқари активлар; муаммоли ундирилмаган даромадлар; муаммоли бошқа активлар.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга, чунки бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг самарали ташкил этилиши банк функцияларининг тўғри бажарилишини таъминлайди. Бунинг учун бухгалтер маълум билимларни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий тамойиллари ва усулларини тушунишни талаб қилади.

Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисобининг объекти бўлиб, қиймати, rischi ва қайтишида муаммоси мавжуд бўлган кредит, лизинг, факторинг, дебитор қарздорлик, инвестициялар, сотиб олинган қимматли қоғозлар, бошқа банклардаги маблағлар, балансдан ташқари активлар, ундирилмаган даромадлар, бошқа активлар ва улар бўйича яратилган захиралар, активлар бўйича кутилаётган зарарлар ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида муаммоли актив сифатида тан олинishi, яъни бухгалтерия ҳисоби регистрларида ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш вақтини аниқ бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу таснифни банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда МҲХС-9 – Молиявий воситалар стандартидан фойдаланиш керак.

Фикримизча, ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида тижорат банклари миллий қонунчилик нормалари, халқаро ташкилот талаблари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида муаммоли активлар билан ишлаш ва ҳисобини юритиш бўйича алоҳида тартиб ишлаб чиқиш лозим.

Муаммоли активлар ҳисобида riskлар асосий ўринни эгаллайди. Бунда riskни баҳолаш, активни турли ҳил таснифлаш имконини беради ҳамда МҲХС 9 – Молиявий воситалар стандарти талабларига асосланиш лозим. Бунда банк активлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун захираларни аниқлаш ва шакллантириш, муаммоли активларни баҳолаш ва бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш жараёни белгилаш, муаммоли активларни ҳисобга олиш мақсадлари ва вазифаларини белгилаш, муаммоли активларни юзага келиш сабабларини аниқлаш, активларнинг қийматини пасайтириш харажатларини ҳисоблаш ёндашувларини, банкнинг муаммоли активларини камайтириш жараёнини амалга оширишга тизимли ва изчил ёндашувни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Муаммоли активлар аудитини ўтказиш орқали ички аудит ички назорат тизимини баҳолаш ва текширилаётган фаолият билан боғлиқ riskларни таҳлил қилиш, шунингдек, банк мақсадларига эришиш учун тайёрланган, тақдим этилган ҳисоботларда қайд этилган тавсияларни қўшиб беради.

Ҳозирги шароитда, аудиторлик хизматлари меҳнат сарфини оптималлаштириш, уларнинг сифатини ошириш билан бир вақтда, айниқса аудиторлик текширувида муҳим аҳамиятга эга бўлган аудит амалларининг энг самарали усулларида бири сифатида таҳлилий амалларнинг хусусиятларини ўрганиш муҳим.

Ички аудиторлар тегишли таҳлил ва маълумотни баҳолаш асосида хулосалар чиқаришлари ва текширув натижаларини тақдим этишлари

керак<sup>15</sup>. Ички аудит профессионал амалиётининг халқаро стандартлари 2320 – Таҳлил ва баҳолаш стандарти ҳам ички аудиторлардан маълумотларни баҳолаш ва таҳлил қилиш асосида хулосалар шакллантириш лозимлигини кайд этади.

Муаммоли активлар аудити банк активлари аудитининг таркибий қисми ҳисобланади. Лекин, муаммоли активлар салмоғи нисбатан юқори чиққан вақтда алоҳида объект сифатида ажратиб олиниб, аудиторлик текшируви олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Аудитор мавжуд муаммоли активларни камайитириш бўйича тижорат банкига ўз тавсияларини бериши лозим. Бунда қуйидагиларга эътибор берса мақсадга мувофиқ бўлади: гаровни сотиш; активларни сотиш; қарзни реструктуризация қилиш; миждознинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг фаолиятини яхшилаш орқали кредитни қайтарилишини таъминлаш.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Банкларда муаммоли активлар ҳисоби ва ички аудитини ташкил этиш**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда тижорат банкларида муаммоли кредитлар ҳисобини ташкил қилиш, бошқа муаммоли активлар ҳисоби, муаммоли активлар ички аудитини ўтказиш тадқиқ қилинган.

## 2-жадвал

### Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг кредит портфелининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлили<sup>16</sup>

Иқтисодиёт тармоқлари	2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.		2019 й.	
	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да
Саноат	5120,9	70,1	5700,5	65,9	13984,5	69,2	20491,5	75,1	17927,8	60,9
Қишлоқ хўжалиги	40,7	0,6	144,9	1,7	222,3	1,1	495,5	1,8	1322,5	4,5
Транспорт ва алоқа	401,2	5,5	770,2	8,9	1299,4	6,4	1722,6	6,3	3118,7	10,6
Қурилиш	103,3	1,4	252,7	2,9	318,2	1,6	554,9	2,0	739,8	2,5
Савдо ва умумий овқатланиш	379,3	5,2	241,9	2,8	294,9	1,5	468,0	1,7	1373,7	4,7
Моддий тезник таъминот	5,8	0,1	11,9	0,1	4,2	0,0	58,6	0,2	338,7	1,2
Уй-жой коммунал хизматлар	25,3	0,3	31,2	0,4	100,6	0,5	152,5	0,6	141,8	0,5
Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	196,0	2,7	268,1	3,1	722,1	3,6	1672,8	6,1	3146,0	10,7
Бошқа тармоқлар	1035,7	14,2	1223,5	14,2	3264,9	16,2	1677,0	6,1	1333,4	4,5
Жами кредитлар	7308,3	100,0	8645,0	100,0	20211,1	100,0	27293,3	100,0	29442,3	100,0

Тижорат банкларида муаммоли кредитлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 декабрдаги «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги 1435-сон низом, 2004 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси» 773-17 сон, 2015 йил 14 июлдаги «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби

<sup>15</sup>International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing (Standards) International Internal Audit Standards Board (IIASB) [www.global.theiia.org](http://www.global.theiia.org)

<sup>16</sup>Ўзсаноатқурилишбанк АТБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

тўғрисида» ги 2696-сонли низом, 2004 йил 24 январдаги «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида»ги 1304-сонли низом, тижорат банки ҳисоб сиёсати, шунингдек МХХСлари асосида ташкил этилади.

Ўзсаноатқурилишбанк АТБ томонидан кредитлар деярли барча тармоқларга ажратилаётган бўлиб, улар орасида саноат, транспорт ва алоқа тармоқлари асосий ўринни эгаллайди. Саноатга берилган кредитлар 2015-2019 йиллар мобайнида устуворликни сақлаб қолган бўлса-да, улуши камайиб борган. Транспорт ва алоқага берилган кредитлар ҳам банкнинг устувор тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳага берилган кредит ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар салмоғи ҳам йилдан йилга ошиб борган.

### 3-жадвал

#### Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг иқтисодий тармоқлар бўйича муддати ўтган кредитлар таҳлили<sup>17</sup> (01.01.2020 йил ҳолатига)

№	Иқтисодий тармоқлари	Жами қарздорлик		Реструктуризация қилинган кредитлар		Суд жараёнидаги кредитлар		Муддати ўтган қарздорлик		
		млрд. сўм	улуши, % да	млрд. сўм	улуши, % да	млрд. сўм	улуши, % да	асосий қарз	фоизи	улуши, % да
1	Саноат	17927,8	60,9	103,3	36,2	0,2	1,7	10,8	9,7	37,3
2	Қишлоқ хўжалиги	1322,5	4,5	71,3	25,0	0,4	2,8	9,6	3,8	24,4
3	Транспорт ва алоқа	3118,7	10,6	16,5	5,8	0,0	0,0	0,1	0,0	0,3
4	Қурилиш	739,8	2,5	0,0	0,0	0,0	0,0	2,0	0,9	5,2
5	Савдо ва умумий овқатланиш	1373,7	4,7	68,4	23,9	9,7	76,6	8,9	1,7	19,2
6	Моддий тезник таъминот	338,7	1,2	1,1	0,4	1,5	12,0	0,2	0,4	1,0
7	Уй-жой коммунал хизматлар	141,8	0,5	4,9	1,7	0,0	0,0	0,1	0,4	1,0
8	Бошқа тармоқлар	4479,3	15,2	20,1	7,0	0,9	6,8	4,9	1,4	11,5
9	Жами кредитлар	29442,3	100,0	285,5	100,0	12,7	100,0	36,6	18,2	100,0

Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг реструктуризация қилинган кредитлари 2019 йилда 285,5 млрд. сўмни ташкил қилган. Реструктуризация қилинган кредитлар таркибида энг кўп улушга саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо ва умумий овқатланиш тармоқларига берилган кредитлар эгаллайди. Суд жараёнидаги кредитлар таркибида эса, энг юқори улушга савдо ва умумий овқатланиш соҳасига берилган кредитлар эгаллайди. Муддати ўтган кредитлар 36,6 млрд. сўмни, кредит учун тўланиши лозим бўлган фоишлар эса 18,2 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Умумий ҳисоб-китобда саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо ва умумий овқатланиш тармоқларига берилган кредитларнинг муддати ўтгани юқори суммага эга.

Муддати келган кредитнинг қайтарилишида кредит олувчи суммани қайтаришга қодир эмаслиги келиб чиқади ва банк маълум бир зарарлар кўради. Агарда захиралар минимал равишда ташкил қилинган бўлса, бундай ҳолатларда муаммоли кредитлар пайдо бўлганда унинг маълум бир қисмини қоплайди ва банк фаолиятига унча катта зарар етмайди.

<sup>17</sup>Ўзсаноатқурилишбанк АТБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини шакллантириш қуйидаги ўтказма орқали расмийлаштирилади:

Дебет 56802 - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

Кредит 12199-15599 - берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Умидсиз кредитларни эҳтимолий зарарларни қоплаш захиралари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги қарор банк Бошқаруви томонидан қабул қилиниб, бу ҳақда банк Бошқаруви банк Кенгашига уч кунлик муддат ичида маълумот беради.

Зарарларни қоплаш захиралари ҳисобидан қопланган муаммоли активларнинг ҳисоби «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварағида юритилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 12199-15599 - берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Кредит Тегишли актив ҳисобварақ.

Дебет 95413 - Ҳисобдан чиқарилган кредитлар ва лизинглар

Кредит 96397 - Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ

#### 4-жадвал

#### Ўзсаноатқурилишбанк АТБ кредитларининг сифати, улар бўйича яратилган захиралар<sup>18</sup> (01.01.2020 йил ҳолатига, млрд. сўм)

№	Иқтисодиёт тармоқлари	Жами	Стандарт	Умумий захира (1%)	Субстандарт	Махсус захиралар (10%)	Қониқарсиз	Махсус захиралар (25%)	Шубҳали	Махсус захиралар (50%)	Умидсиз	Махсус захиралар (100%)	Жами махсус захиралар	Жами муаммоли кредитлар	Жами муаммоли кредитлар бўйича захиралар	Муаммоли кредитлар улуши, фоизда
1	Саноат	17928	12176	136	5598	589	146	33	3	2	5	5	628	154	39	0,9
2	Қишлоқ хўжалиги	1323	995	3	286	25	15	5	10	5	17	17	52	42	27	3,2
3	Транспорт ва алоқа	3119	1540	4	1579	144	0	0	0	0	0	0	144	0	0	0,0
4	Қурилиш	740	684	6	31	3	13	7	7	4	4	4	17	25	14	3,3
5	Савдо ва умумий овқатланиш	1374	1204	7	144	15	6	1	9	5	11	11	31	26	16	1,9
6	Моддий тезник таъминот	339	322	2	14	1	0	0	0	0	2	2	4	3	2	0,7
7	Уй-жой коммунал хизматлар	142	98	1	32	3	4	1	2	1	6	6	11	12	8	8,2
8	Бошқа тармоқлар	4479	4083	38	349	21	12	2	28	14	8	7	45	47	24	1,1
9	Жами кредитлар	29442	21102	199	8032	801	196	49	59	29	52	52	932	308	130	1,0

<sup>18</sup>Ўзсаноатқурилишбанк АТБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



Ўзсаноатқурилишбанк АТБ кредитларининг сифатини ўрганишда муаммоли кредитлар 308 млрд. сўмни, улар бўйича яратилган махсус захира эса 130 млрд. сўмни ташкил қилган. 2019 йил якуни бўйича банкнинг муаммоли кредитлари жами кредит портфелининг 1 фоизини ташкил қилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича уй-жой коммунал хизматларга берилган кредитларнинг 8,2 фоизи, қурилишга берилган кредитларнинг 3,3 фоизи, қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг 3,2 фоизи муаммоли кредит ҳисобланади.

Муаммоли кредитларни камайтиришнинг сўнгги чораларидан бири олинган кафолатлар ва кафиликлар бўйича тўловларни ундириш, гаровга олинган мол мулкни сотиш ҳисобига уларни қоплаш ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобида гаров таъминоти баҳоланиши ва ҳисобга олиниши молиявий ҳисоботга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун тижорат банклари гаров таъминотини тўғри баҳолаш ва ҳисобга олиш учун қуйидаги шартларни инобатга олиш керак: гаров таъминотининг ишончли баҳоланиши; гаров таъминотини баҳолашда ҳуқуқий жиҳатларини ҳисобга олиш; гаров таъминотининг ҳолатини назорат қилувчи аниқ чоратadbирларнинг қабул қилиниши.

Ҳозирги кунда тижорат банклари муаммоли кредитни қоплашни таъминот турига қаратганда судга мурожат қилади. Суд қарорига асосан гаров таъминотидан фойдаланилади. Бу эса гаров таъминотини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга ўз таъсир кўрсатади. Суд қарорига асосан кредит гаров таъминоти ҳисобидан қопланиши белгиланса, электрон онлайн-аукцион шаклидаги очиқ кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

## 5-жадвал

### Ўзсаноатқурилишбанк АТБ бошқа муаммоли активлари, улар бўйича яратилган захиралар<sup>19</sup> (млрд. сўм ҳисобида)

Йиллар	Жами	Стандарт	Умумий захира (1%)	Субстандарт	Махсус захиралар (10%)	Қоникарсиз	Махсус захиралар (25%)	Шубҳали	Махсус захиралар (50%)	Умидсиз	Махсус захиралар (100%)	Жами махсус захиралар	Жами муаммоли бошқа активлар	Жами муаммоли бошқа активлар бўйича захиралар	Муаммоли бошқа активлар улуши, фоизда
2015	190,1	173,9	0,0	2,2	0,2	0,3	0,1	0,1	0,0	13,7	13,7	14,0	14,0	13,8	7,4
2016	193,2	184,3	0,0	1,6	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	7,2	7,2	7,4	7,3	7,2	3,8
2017	211,0	155,1	0,0	20,9	2,0	11,4	3,6	7,2	3,6	16,4	16,2	25,4	35,0	23,4	16,6
2018	210,5	145,9	0,0	14,3	1,6	0,0	0,0	0,1	0,0	50,2	50,2	51,9	50,3	50,3	23,9
2019	603,6	450,5	0,0	23,1	2,2	107,2	26,6	3,4	1,4	19,4	19,6	49,9	130,0	47,7	21,5


<sup>19</sup>Ўзсаноатқурилишбанк АТБ ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Муаммоли бошқа активларни ҳисобга олиш ҳам муаммоли кредитни ҳисобга олиш жараёнига ўхшаш ҳисобланади. Улар ҳам активларни сифатини таснифлаш тартибига мос равишда таснифланади.

Ўзсаноатқурилишбанк АТБ муаммоли кредитларидан бошқа муаммоли активлари охириги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2018 ва 2019 йилларда жами бошқа активлар таркибида муаммоли активлар 20 фоиздан ортиқни ташкил қилган.

Ички аудит тижорат банкларида бизнес-жараёнлар, жумладан кредитлаш жараёнини бошқариш тизимини таҳлил қилиш билан шуғулланади. Кредитнинг ўзи жараён эмас, балки кредитлаш жараёнларнинг натижасидир. Шунинг учун, ички аудит рискка асосланган ёндашувдан фойдаланганда, аудитор аввал рисклар ва кредитлар жараёни ўртасидаги алоқани ўрнатиши керак, сўнг танланган ёндашувга қараб, аудит режаси ёки дастурини тузишни бошлайди.

Банкларнинг муаммоли кредитларининг активлардаги улуши 2013 йил 2-чорагидан, 2016 йил охиригача камайиб борган ва 2019 йил якунида нисбатан ўсган ва 1,2 фоизни ташкил қилган. Рискка тортилган активлардаги ва кредитлар таркибидаги улушининг ўзгариши бир-бирига яқин бўлиб, 2019 йил якуни бўйича мос равишда 1,4 ва 1,5 фоизни ташкил қилган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси банкларининг муаммоли кредитларининг активлардаги, рискка тортилган активлардаги, кредитлардаги улуши<sup>20</sup>, % да.**

Шу ўринда айрим хорижий давлатларда муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелидаги улушини кўриб чиқсак. Халқаро амалиётда кўпчилик давлатларда муаммоли кредитларни ишламайдиган кредитлар, ҳаракатсиз кредитлар (non-performing loans (NPLs)) сифатида ўрганади.

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

**Айрим хорижий давлатларда муаммоли кредитлар (NPLs) тўғрисида  
маълумот<sup>21</sup> (% да)**

Давлатлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Австрия	3,4	2,7	2,4	1,9	1,6
Америка кўшма штатлари	1,5	1,3	1,1	0,9	0,9
Беларус Республикаси	6,8	12,8	12,9	5	4,6
Буюк Британия	1	0,9	0,7	1,1	1,1
Германия	2	1,7	1,5	1,2	1,3
Испания	6,2	5,6	4,5	3,7	3,2
Италия	18,1	17,1	14,4	8,4	6,7
Канада	0,5	0,6	0,4	0,5	0,5
Қозоғистон Республикаси	8	6,7	9,3	7,4	9,5
Россия Федерацияси	8,3	9,4	10	10,1	9,3
Туркия	3	3,1	2,8	3,7	5
Украина	28	30,5	54,5	52,8	48,4
Франция	4	3,6	3,1	2,7	2,5
Хитой	1,7	1,7	1,7	1,8	1,9

Ўрганилаётган давлатларда муаммоли кредитлар ҳар хил улушга эга бўлиб, айрим давлатларда уларнинг салмоғи йилдан йилга пасайиш ёки ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, Австрия, Америка кўшма штатлари, Германия, Испания, Италия, Қозоғистон Республикаси, Францияда муаммоли кредитлар камайиб борган. Россия Федерацияси, Туркия, Украина ва Хитойда муаммоли кредитлар ўсиш кузатилган. Энг танг ҳолат Украинада эканлигини кўриш мумкин.

Муаммоли кредитлар ички аудитида кредит берилган субъектларнинг мулкчилик шакли, суммаси, кредит турлари ва муддатлари бўйича алоҳида аудиторлик текширувини ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Муаммоли активларда кутилаётган кредит йўқотишларини (ECL) ҳисоблаш учун МҲХС 9 «Молиявий воситалар» асосида 1-босқич, 2-босқич ва 3-босқичга ажратиш, кредит портфелининг сегментлаш, ҳар бир сегмент ичида (ҳар бир босқич даражасида) ҳар бир босқич учун дефолтнинг юзага келиш эҳтимолини ҳисоблаш, дефолт ҳолатида йўқотиш миқдорини (LGD), дисконтлаш омилларини (DF), дефолт натижасида риск миқдорини (EAD) аниқлаш лозим.

Банк, дебитор қарздорлик юзага келган контрагент фаолиятида экспертлар фикрига кўра, тўлиқ ошкор қилинмаган ва дефолтнинг кўшимча омиллари бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришлардан хабардор бўлган ҳолларда, дефолт эҳтимоли тузатилиши мумкин, яъни эксперт баҳолаш асосида коррективроқ қилиш мумкин.

